ТАКРОРИЙ НОМИНАЦИЯЛАР ТАСНИФИДА БИРЛАМЧИ НОМИНАЦИЯЛАР ЎРНИ

И.О. Анорбоева, В.М. Мирзаева

Мақолада номловчиларнинг танлаб олиниши, ўзаро алоқалари ҳамда такрорий номинациялар таснифида бирламчи номинацияларнинг ўрни тўғрисида фикр юритилади.

***Калит сўзлар**: семантика, горизонтал йўналиш, лингвистик номинация, предикативлик, реприз, антиципация, кореферентлик.*

В статье рассматривается выбор номинативов и их взаимосвязь, а также место первичной номинации при определении повторной номинации.

***Ключевые слова:** семантика, горизантальная направление, лингвистическая номинация, предикативность, реприз, антиципация, кореферентность.*

The article discusses the problems of choosing the nominators and the place of primary nomination in the classification of the double nomination.

***Key words:** semantics, horizontal direction, linguistik nomination, predicativity, reprise, anticipation, coherence.*

Номинация назарияси қиёсий типологияда тил ифода воситалари танланишининг ономасиологик жиҳатлар тадқиқининг етакчи аспектларини ташкил этади. Номловчиларнинг танлаб олиниши ва ўзаро боғланиши ҳамда семантикасининг вазиятга кўра ифода этилиш тамойиллари В.Г.Гак тадқиқот назариясида кенг илмий таҳлил ва тавсифини топган. Такрорий номинация олимнинг изланишларида кўпроқ семантик синтагматика доирасида кузатилади. Нутқда олим томонидан автоном (бирламчи номинация), ноавтоном (такрорий номинация) ва синтагматик боғлиқ номинация фарқланади [1].

Матнда ўзининг мужассам баёнини топган воқеалар, объектив борлиқ тасвири муайян ахборот тизимига эга бўлиб, ушбу ахборот тизими мазмун изчиллиги, горизонтал йўналишдаги воқеалар ривожини, бирин-кетин содир бўлиб, кенгай-

иб боришини акс эттиради ҳамда категория хусусиятини олади. Мазмун изчиллиги муҳитидан жой олган воқеалар номланишида иштирок этувчи тил ифода воситалари лингвистик номинацияларга туркумлашади. Мазкур номинацияларнинг барча турлари, жумладан, такрорий номинациялар, одатда, горизонтал йўналишдан жой олган дастлабки, бирламчи номинацияларга таққосланиб, солиштириб ажратилади. Бу ўринда бирламчи номинация маълум ҳаракатнинг мужассам тасвири бўлиб хизмат қиладики, такрорий номинация унга қараб фарқланади. Демак, у матн муҳитига муайян иш-ҳаракатнинг тасвири учун янги киритилган бошланғич номинацияни ташкил этади.

Бирламчи номланиш, яъни дастлабки номинация ўзида маъно аломатларининг кенг қамровдаги мужассам қатламини акс эттиради ва шу боис синтагматик планда ахборот бериш кўламига кўра мустақил, автоном хусусият касб этади. Бирламчи номинацияларнинг мазмун изчиллигининг горизонтал йўналишдаги дастлабки функциялашуви алоҳида маъно касб этади. Бирламчи номинацияларнинг хусусиятларини, фарқли қирраларини ажратишда уларнинг горизонтал йўналишдан илк бор жой олиши, ифодага кириши ҳам етакчи белгилардан бири ҳисобланади. Зеро, бирламчи номинацияларнинг горизонтал йўналиш чизиғидан биринчи бор жой эгаллаши ҳам фарқловчи аломат вазифасини ўтайди.

Одатда, бирламчи номинациялар ахборот узатиш мавқеига кўра мустақиллиги билан ажралиб туради ва гап таркибидаги бошқа номинацияларга боғлиқ бўлмайди. Ушбу номинацияларнинг етакчи фарқловчи аломати сифатида уларнинг тингловчи учун тушунарли эканлиги хизмат қилади. Шубҳасиз, шахс, предмет, уларнинг белгилари дастлабки номланиши билан иш-ҳаракатнинг бирламчи номинациялари ўртасида катта фарқ бор. Ушбу фарқ моҳиятини уларга хос томонлар белгилайди. Шахсларнинг бирламчи номинациялари серқирралиги билан предметлар бирламчи номинацияларидан ажралиб туради. Кўпинча баённинг абсолют бошида шахс бирламчи номинациялари тавсифий белгилар билан келади. Ушбу тавсифий белгилар шахснинг ижтимоий ва индивидуал қирраларини очиб беришга хизмат қилади:

Maitre Chicot, l'aubergiste d'Epreville, arreta son tibury devant la ferme de la mere Magloire. C'etait un grand gaillard de quarant ans, rouge et ventre, et qui passais pour malicieux (Maupassant. Le petit fut,p.247).

Эпревиллик майхоначи Проспер Шико икки ғилдиракли аравасини Маглуар энанинг фермаси олдида тўхтатди. У барваста, башараси қинқиз, қорни катта, қирқ ёшларга борган, айёрлиги билан танилган эди (Мопассан. Бочкача,111-бет).

Мазкур портретда яхлит мураккаб жумла новелланинг абсолют бошланиш қисмини ташкил этади ва бирламчи номинация Maitre Chicot яхлит мураккаб жумла доирасида тасвирий тавсифлар олади.

Воқеа ривожи, мазмун изчиллиги муҳитида ушбу аломатлар шахс номинациясининг ранг-баранглашувига хизмат қилади. Улар матн таркибида матннинг ички ва ситуатив маъно муносабатларига суянади. Гарчи предметларнинг аломатлари тур, нав, тус, ташқи ва ички хусусиятларига кўра номланса-да, бу аломатлар мажмуаси кўлами торлиги билан ажралиб туради:

L'aubergiste radieux, la traita comme une dame, lui servit du poulet, du boudin, de l'andouille, du gigot et du lard aux choux. Mais elle ne mangea presque rien, sorbe depuis son enfance, ayant toujours vecu d'un peu de soupe et d'une croute de pain beurre. (Maupassant. Le petit fut.p.250)

Шико уни азиз меҳмон келгандай шодланиб қарши олди ва олдига жўжа гўшти, қондан қилинган колбаса, қўй гўштидан қовурдоқ, қовурилган карам қўйди. Лекин кампир ҳеч нарса емади, чунки у ёшлигидан мўътадил овқатланиб келган, кунига бир тарелка шўрва ва бир бурда ёғ сурилган нон билан қаноат қилиб ўрганганди. (Мопассан. Бочкача, 115-б.)

Юқоридаги яхлит мураккаб жумла таркибидаги таом номлари бирламчи номинациялар ҳисобланади. Улар матннинг мазмун муҳитига илк бор du poulet, du boudin, de l'andoille, du gigot, du lard aux choux каби партитив артикллар ёрдамида киритилган. Уларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари тасвирий изоҳларга эга бўлиб, таом номлари семантемаларининг ахборот қатламларини маъно жиҳатидан тўлдириш учун хизмат қилади.

Изчил горизонтал йўналишда предметларнинг дастлабки номланиши ахборот муҳитига ноаниқлик ва аниқлик категориялари кўрсаткичлари (un/le, des/les, un/du ва ҳ.к.) ёрдамида киритилиши мумкин. Бу француз тилида нутқнинг ифода меъёри белгиси ҳисобланади.

Иш-ҳаракатнинг номланишида иштирок этувчи бирламчи номинациялар предикативлик аломати билан ажралиб туради. Иш-ҳаракатнинг бирламчи номинацияси ахборот муҳитига илк бор киритилган муайян ижроси субъект билан боғланган, макон ва замонда конкрет усулда рўёбга чиқадиган ҳаракат жараёнининг тўла-тўкис белгиси, номланиши ҳисобланади ва ахборот кўлами тўлалиги билан характерланади. У автономлиги

билан ифодада фарқ қилиб, иш-ҳаракатнинг конкрет кўринишини муфассал акс эттиради.

Ахборот муҳитида горизонтал йўналишда такрорий номинацияларнинг бирламчи номинацияларга нисбатан жойлашуви асосида реприз номловчилар ва антиципация номловчилари оппозициясини фарқлаш имконияти юзага келади. Одатда, реприз номловчилар бирламчи номинациядан кейин келса, антиципация номловчилари бирламчи номинациялардан олдин келади.

Такрорий номинация формал жиҳатдан феълдан, феъл мажмуасидан, предметлашмаган олмошдан, феълнинг отлашган формасидан, номинализациядан иборат бўлиши мумкин.

Горизонтал йўналишда бирламчи номинациялар такрорий номинациялар билан таққосланганда, асосий, таянч манба билан боғланган бир маротабали ёки кўп маротабали такрорий номланиш шоҳиди бўлишимиз мумкин. Иккинчи кўринишдаги, яъни кўп маротабали такрорий номланиш кореферентлик хусусиятини олади ва бирламчи номинация билан мазмунан боғланади.

Ah! par exemple, ce qui fut gentil a voir, c'est la rentree a la maison. On ent d'abord beaucoup de mel a monter la voiture par l'escalier des remparts; on y parvint cepedant et on la roula jusque dans le vestibule. (Maupassant. Mademoiselle Perle. p. 277)

Уйга жуда шодланиб қайтиб келдик. Биз аравани девор ичидаги зинадан зўрға олиб чиқдик, лекин ҳар қалай, эплаб чиқариб олдик ва ғилдиратиб тўғри даҳлизга киритдик. (Мопассан. Мадемуазель Перл, 238-б.)

Il se tut encore. Je demandai: «Pourquoi ne s'est-elle pas mariee?» Il repondit, non pas a moi, mais a ce mot qui passait «mariee». «Pouquoi? Pourquoi? Elle n'a pas voulu pas voulu. Elle avait pourtant trente mille francs de dot, et elle fut demandee plusieurs fois elle n'a pas voulu ! Elle semblait triste a cette epoque la c'est quand j'epousai ma cousine, la petit Charlotte, ma femme, avec qui j'etais fiance depuis six ans».(Maupassant. Mademoiselle Perle, p. 281)

У яна жим бўлиб ҳолди. - Нега эрга тегмаган?- дедим. У менинг саволимга эмас, «эрга» деган сўзга жавоб берди. – Нега? Нега дейсанми? Хоҳламади. Хоҳламади .... Бўлмаса ўттиз минг франк сепи ҳам бор эди, кўплар оғиз солди, хоҳламади-да. Нимагадир ҳамиша ғамгин юрарди. Бу гаплар мен ҳозирги хотиним - холавачча кичкина Шарлоттага оғиз солиб қўйиб, олти йилгача тўй қилмай юрган кезларимда эди. (Мопассан. Мадемуазель Перл, 240-б.)

Юқоридаги биринчи мисолимиз бир маротабали такрор намунасидир. Чунки «monter la voiture» дастлабки тушунчаси «y parvenir» репрезентатив номинация билан умумлаштириб номланмоқда. Иккинчи мисолда эса «se marier» тушунчаси қаторасига такрорланиб келувчи такрорий номланиш «elle n'a pas voulu; pas voulu; elle n'a pas voulu...» орқали берилган ва таянч тушунча билан боғланишда кореферентлик хусусияти касб этади.

Албатта, кореферентлик (лот. coreferens – биргаликда хабар берувчи. Тил бирлигини ифодаловчи тушунча, мазмун плани, фикр предмети) бирламчи номинация билан бир маротаба такрорланиб келувчи такрорий номловчи ўртасида ҳам кузатилади. Лекин асосий манба билан боғланган икки, уч, тўрт, беш ва ундан ортиқ такрорланувчи номламалар горизонтал йўналишда ёйиқлиги билан ажралиб туради. Шартли тарзда ўзаро фарқлаш учун "йиғиқ ва ёйиқ кореферентлик" тушунчаларини киритиш мумкин. Ёйиқ кореферентлик аломатига мансуб такрорий номламалар бир хил разрядли ёки ҳар хил разрядли номламаларга, ифода воситаларига ажралади. Улар ўзаро муайян оппозицияга бўйсунадилар ва фарқланадилар.

Адабиётлар:

1. Гак В.Г. К типологии лингвистических номинаций.- В кн.: Языковая номинация. Общие вопросы.- М.,1977.

2.Гак В.Г. Повторная номинация и её стилистическое использование. // Вопросы французской филологии. – М.: МГПИ, 1971.

3. Литвиненко А.С. Понятие последовательной и параллельной связи предложения.-М.: МГПИИЯ, 1963.

4. Солганик Т.Я. Синтаксическая стилистика.- М.: Высшая школа, 1973.

5. Мопассан Ги де. Ҳаёт. Азизим. Новеллалар. Зумрад Орифжонова таржимаси.- Т.,1987.

Андижон давлат университети
2014 йил 2 июлда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)